

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда нафасат хизмат кўрсатиш соҳаси, балки бошқа тармоқлар мол-мulkни баҳолаш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган қатор долзарб масалалар мавжуд бўлиб, уларнинг бу тарзда намоён бўлиши табий жараёндир. Асосийси, мазкур масалаларни ҳал этишининг қатор имкониятлари ва ечимлари мавжуд бўлиб, уларнинг босқичмабосқич амалиётга жорий этиб борилиши молмulkни баҳолашга бўлган талабни оширишга ва

хизматлар сифатини яхшилашга ижобий таъсир қўрсатади.

Шундай қилиб, мол-мulkни оқилона баҳолаш тизимини шакллантириш орқали талабга жавоб берадиган мол-мulk қийматини аниқлаш ва солиққа тортиш имконияти яратиб берилиши мумкин бўлади. Ҳозирги кунда кичик корхоналарда ушбу тизим амал қилмайди. Уни йўлга кўйиш истиқболда ижобий натижаларни юзага келтиради, солиқ солиши базасини оширишга хизмат қиласди.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 29 декабрь, 19 (7521)-сон. 19-б.
2. Интернет ресурс: <https://data.oecd.org/tax/tax-on-property.htm>. Мурожаат санаси: 21.07.2022 й.
3. Kiazolu M.O. An Assessment of Liberia's Real Property Tax Regime: Implications for Local Government Financing. 2022. P. 6.
4. Bird R.M. & Slack E. Provincial-Local Equalization in Canada: Time for a Change? Institute on Municipal Finance and Governance. 2021.
5. McCluskey W., Bahl R. & Franzsen R. Strengthening Property Taxation Within Developing Asia. 2017.
6. Jashari A. The Challenges of Collecting the Immovable Property Tax: The Case of the Republic of Kosovo. Thesis. Rochester Institute of Technology. 2020.
7. Ниязметов И., Воронин С., Корабоев Б. & Угай Д. Международный опыт налогообложения недвижимости. // Общество и экономика, 2021. 2, 119-130.
8. Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириши ўйлари. Монография. – М.: Молия, 2017. – 195 б.
9. Файзиев Ф.А. Солиқ солиши мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос ҳусусиятлари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2020, 1-сон. 208-б.
10. Мейлиев О. Мол-мulk солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидағи аҳамиятини ошириш. // Иқтисодиёт ва таълим, 2022, 23(2), 177-б.
11. Berry C.R. Reassessing the property tax. Available at SSRN 3800536. 2021. [https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=3800536](https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=3800536)
12. Ниязметов И., Воронин С., Корабоев Б. & Угай Д. О путях реформирования налога на имущество в Республике Узбекистан. // Общество и экономика, 2021, 3, с. 30-43.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 666-сон. 2019 йил 13 август.



### МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Абдуллаев Зафаржон Алижонович -**  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Иқтисодий фанлар кафедраси профессори, DSc

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a36](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a36)

**Аннотация.** Ушбу мақолада маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш масалалари қўриб чиқилган. Ўрганишлар натижасида маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириши билан боғлиқ мавжуд муаммолар ўрганилган ва тегишили хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** маҳаллий бюджет, тушумлар, солиқ, маҳаллий солиқ,

### ВОПРОСЫ РАСШИРЕНИЯ ДОХОДНОЙ БАЗЫ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

**Абдуллаев Зафаржон Алиджонович -**  
профессор кафедры «Экономических наук»  
Университета общественной безопасности  
Республики Узбекистан, д.э.н.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются вопросы расширения доходной базы местных бюджетов. В результате проведенных исследований изучены существующие проблемы, связанные с расширением доходной базы местных бюджетов, и сформированы соответствующие выводы.

**Ключевые слова:** местный бюджет, доходы, налог, местный налог.

## ISSUES OF EXPANDING THE LOCAL BUDGET REVENUE BASE

**Abdullaev Zafarjon Alijonovich -***Professor of the Department of  
"Economic Sciences" of the Public Security  
University of the Republic of Uzbekistan, DSc*

**Abstract.** This article discusses the issues of expanding the revenue base of local budgets. As a result of the research, the existing problems associated with the expansion of the revenue base of local budgets have been studied, and appropriate conclusions have been drawn.

**Key words:** local budget, revenue, tax, local tax.

**Кириш.** Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари базасини кенгайтириш ва молиявий мустақиллигини ошириш борасида олиб борилган фискал ислоҳотларга қарамасдан, давлат бюджетида маҳаллий солик даромадларининг улуси пастлиги кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатларда худудлар барқарор ўсишининг шартларидан бири "бюджетдан фойдаланиш санарадорлигини ошириш орқали муҳим тактик ва стратегик вазифаларни ҳал қилишга комплекс ёндашишга имкон берадиган иқтисодий ўсишнинг энг муҳим драйвери сифатида тан олиниши" ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлар базасини кенгайтириш ҳамда солиққа тортиш механизмини тақомиллаштиришни талаб этади. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш механизмларини тақомиллаштириш, маҳаллий бюджетнинг ўз даромадларини оширишда молиявий воситалардан кенг фойдаланиш, солик потенциалини баҳолашда самарали усулларни кўллаш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш тақозо этилади. Шу боис маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтириш масалаларини тадқиқ қилиш долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Жаҳонда юз беряётган глобаллашув жараёнлари контекстида мамлакатларнинг молия-бюджет тизимини мустаҳкамлаш давлатнинг иқтисодий тизимида бюджетнинг ижтимоий-иқтисодий табиати, ўрни ва ролини қайта кўриб чиқиши, даромад базасини шакллантириш ҳамда бюджетлар даромадидан фойдаланиш, бюджетнинг мөҳияти ва унинг бюджетлараро муносабатлар ҳамда худудий-молиявий баланснинг самарали тизимини яратишдаги аҳамиятини назарий тадқиқ этишни талаб қиласди. Мамлакатнинг турли худудларини ривожлантиришдаги мавжуд но-мутаносибликларнинг чуқурлашуви шароитида бюджет даромадларини шакллантириш иқтисодчи олимлар, амалиётчилар ва жамоатчилик доирасидаги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда (Vinnytska, 2015).

Давлатнинг тўпланган молиявий ресурслари марказлашган (бу жамланган ва давлат

бюджетининг мақсадли маблағлари) ва марказлашмаган давлат корхоналари ихтиёрида қоладиган маблағлардан иборат бўлади. Умуман олганда, бюджет даромадлари қонун хужжатларига мувофиқ ундириладиган, қайтарилмайдиган асосдаги маҳаллий даромадлар мажмуи сифатида қаралади (Venher, 2009).

Legkostup (2010) таъкидлашича, маҳаллий бюджет даромадларининг категорияси давлатнинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) худудий тақсимланишига ёрдам берувчи ва маҳаллий ўзўзини бошқариш органларининг молиявий базасини ривожлантиришни таъминловчи иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатида қаралган.

Kurylenko (2004) фикрича, маҳаллий бюджет даромадлари узоқ муддатга белгиланадиган, стратегик режалаштиришни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратиши лозим бўлган ўз маблағлари ва белгилangan даромадлардан иборат. Иқтисодчи олимларнинг таъкидлашича, маҳаллий бюджетларга бюджетларро трансферларни ҳисоб-китоб қилишда ўз даромадлари ҳисобга олинмайди. Натижада бу тартиб маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет даромадлар қисмини оширишга бевосита қизиқишини таъминлайди.

Bazylevych ва Balastryclar (2002) томонидан маҳаллий бюджетнинг даромадлари ўз манбаларидан шакллантирилиб, шу билан бирга, умумдавлат солиқлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бириктирилиши таъкидланган.

Vladimirov ва бошқалар (2007) томонидан эса фақат маҳаллий бюджетлар даромадлари маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий асоси эканлиги ва давлат маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда фаол иштирок этиши, уни молиявий кўллаб-қувватлаши қайд этилган. Маҳаллий бюджетнинг солиқ ва солиқсиз даромадлари маҳаллий ҳокимиятларга худудий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни молиялаштиришга имкон берувчи ўз бюджет даромадлари ҳисобланади.

Бугунги кунда муниципалитетларнинг эҳтиёжларини молиялаштириш учун ўз даромади этишмаслиги муаммоси долзарб ҳисобланади. Маҳаллий даража – давлат бюджети тизими

таркибида охирги даража, лекин у бутун бюджет тизимининг асоси бўлиб, муҳим аҳамият касб этади (Савина, 2017). Маҳаллий бюджетнинг ўз даромадларини шакллантиришда маҳаллий бюджетнинг даромад манбалари барқарорлиги, солиқса тортиш механизмларини тақомиллаштириш, маҳаллий ҳокимият органлари истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиш, маҳаллий бюджет даромадларининг оширилиши, маҳаллий ҳокимият органлари ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини рағбатлантиришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, монографик, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил қилиш, тасвирий статистика усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумки, давлат бюджети даромадлари умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа даромадлардан ташкил топган. Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлар манбалари ҳисобланган мол-мулк ва ер солиқларининг давлат бюджети солиқ тушумларида улуши камайиш тенденциясини кузатиш мумкин (1-жадвал).

**Ўзбекистонда солиқ тушумлари таркибида мол-мулк ва ер солиғининг салмоғи (%)да**

Т/р	Солиқ турлари	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Жами солиқ тушумлари, шундан	100	100	100	100	100
1.1.	Мол-мулк солиғи	4,6	4,5	3,5	1,8	1,8
1.2.	Ер солиғи	2,2	2,5	2,0	1,8	1,9
2.	Жами ресурс солиқлар, шундан	100	100	100	100	100
2.1.	Мол-мулк солиғи	32,3	32,8	22,2	10,9	11,4
2.2.	Ер солиғи	15,0	18,2	13,0	10,8	11,9

**Манба:** Давлат солиқ қўймитаси маълумотлари, 2021.

Мол-мулк солиғи улушкининг кескин камайишига асосий сабаблар сифатида юридик шахслар мол-мулки солиғи тушумларининг камайишига солиқ базаси (фақат кўчмас мулклар солиқ обьекти сифатида олинган) ва солиқ ставкаларининг камайтирилиши тенденцияларини (юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғи ставкаси 5 %дан 2 %га туширилган) келтириш мумкин. Жисмоний шахсларнинг кўчмас

мулкига кадастр қийматидан (2018 йилдан инвентарь қийматдан бекор қилинган) солиқ ундирилиши, ўз навбатида, солиқ тушумларининг ўсишига олиб келган. Жисмоний шахслар мол-мулкига солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкига кадастр қиймати 46,6 трлн. сўмдан 293,6 трлн. сўмга ўсган (1-расм). Шу билан бирга, ўтган йиллар мобайнида ушбу солиқ ставкаси 8,5 бараварга камайтирилган.



**1-расм. Солиқса тортиш мақсадида мулк обьектлари қиймати (млрд. сўмда),**  
**Манба:** [www.mf.gov.uz](http://www.mf.gov.uz)

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи тушумларининг ошишига таъсир этувчи асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июнданги 445-сонли қарори доирасида

аниқланган кўчмас мулк обьектлари; охирги 3 йил давомида қурилган янги уйлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сонли фармонига мувофиқ фуқароларнинг ўзбошимчалик билан қурилган

турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясининг (турар-жой амнистияси) ўтказилиши. Амалга оширилган солиқ ислоҳотлари натижасида солиқ тушумлари таркиби ҳамда алоҳи-

да солиқ турлари бўйича солиқ тўловчилар сонининг ўзгариши натижасида маҳаллий бюджетга солиқ тўловчилар сони кескин ўсган (2-жадвал).

## 2-жадвал


### Солиқ тўловчилар сони бўйича маълумот

Солиқ тўловчи юридик шахслар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	Ўсиш суръати (2020 йил 2018 йилга нисбатан)
Кўшилган қиймат солиги	6 796	82 405	113 477	+ 106 681
Фойда солиги	7 609	53 051	113 868	+ 106 259
Мол-мулк солиги	9 261	58 334	58 856	+ 49 595
Ер солиги	12 887	70 046	155 023	+ 142 136
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	3 443	56 024	136 366	+ 132 923

*Манба:* Молия вазирлиги маълумотлари, 2021.

Маҳаллий бюджет даромадлар манбани кенгайтиришдаги солиқ тизимидағи ўзгаришларнинг муҳим йўналишлари сифатида йиллик айланмаси (даромади) 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналар учун умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши, барча хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан, айланмаси

(даромади) 1 млрд. сўмгача бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлашнинг жорий этилиши ва алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилишни кўрсатиб ўтиш мумкин.




2-расм. Солиқ тўловчилар сонининг ўсиш динамикаси

*Манба:* [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)

Кичик бизнес субъектларига солиқ сошлишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонлари қайта кўриб чиқилиши натижасида умумбелгиланган солиқ тўловчи юридик шахсларнинг улуши қисқа даврда 2 фоиздан 26 фоизгача ошган. Шу билан биргга, барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, обороти (тушуми) 1 млрд. сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиги, ер солиги ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг жорий қилиниши натижасида 2019-2020 йилларда КҟС, ер солиги ва мол-мулк

солиги тўловчиларнинг сони кескин кўпайган бўлиб, ҳудудларнинг солиқ потенциали (солиқ тушумлари) ошишига олиб келган (2-расм).

Бироқ амалга оширилган ислоҳотларга қарамасдан, бугунги кунга келиб, маҳаллий бюджет даромадларининг давлат бюджетидаги улушида камайиш тенденцияси кузатилмоқда (3-расм). Бу эса ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий солиқлар ва ийғимлар ҳисобидан ўз бюджетлари даромадлари базасини тўлиқ шакллантириш имкониятини бермайди.



**З-расм. Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджетларнинг тутган ўрини**  
**Манба:** [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)

Бунга юридик шахслар мол-мулк солиғи базаси таркиби ўзгартирилиши ва солиқ ставкаси пасайтирилиши ҳамда фойда солиғи таркибига ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирлаштирилишини асосий сабаблар сифатидага келтириб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда умумдавлат солиқларидан ажратмалар ва бюджет трансферларининг улуши юқоридир.

**Хулоса ва таклифлар.** Бугунги кунда маҳаллий солиқларнинг давлат бюджетидаги улушида камайиш тенденцияси кузатилмоқда ва бу маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобидан маҳаллий бюджет даромадлар базасини тўлиқ шакллантириш имкониятини бермайди.

Худудларнинг шаҳар ва туманлар кесимида солиқ солиши бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш, маҳаллий даражада ахборот тизимларининг самарали ва узлуксиз ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, солиқ обьектлари бўйича инвентразация ўtkазилиши асосида фойдаланилмаётган обьектлар ва ер майдонларига нисбатан оширилган ставкаларини қўллаш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш талаб қилинади.

Маҳаллий бюджетларга қарз маблағларини жалб қилиш муайян худуднинг молиявий имкониятларига боғлиқ бўлиб, қарзнинг шакллари ва усувлари такомиллашиб бормоқда ва бу маҳаллий бюджетларнинг давлат кредитини таъминлаш бўйича давлат харажатлари ва солиқ юкини камайтиришга олиб келади.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Bazylevych V., Balastryk L. *Public finances: teach. Manual. Society. – Atika, 2002. – 368 p.*
2. <http://journal.bfa.uz/maqola/20191son.pdf>
3. [https://www.mf.gov.uz/media/file/state-budget/predv2020/2020\\_uz.pdf](https://www.mf.gov.uz/media/file/state-budget/predv2020/2020_uz.pdf)
4. Kirilenko A. *Local Finance: Textbook. – Ternopol: Acton, 2004. – 140 p.*
5. Legkostup I. *Features of local budgets Ukraine and ways to strengthen their revenue base. Formation of market relations in Ukraine, 2010, № 3, p. 165-170.*
6. Venher V.V. 2009. *Finance: teach. Ref. for students. HI. teach, bookmark. – KCenter of educational literature. – 432 p.*
7. Vinnytska O. 2015. *Nature and classification aspects of local budget revenues. Baltic Journal of Economic Studies. Vol. 1. No. 2. C. 18.*
8. Vladimirov K.M., Chuiko N., Rogalskyy A. *Local Finance [Text]: Tutorial. Kherson: Oldie-plus, 2007. – 352 p.*
9. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июнданги 445-сонли "Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириши захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.
11. Савина О.Н. Проблемы формирования доходов бюджетов муниципальных образований. // Научные известия. 2017. № 6. С. 26.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги ПФ-5421-сонли "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-куватлаши бўйича қўйшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиши бўйича бир марталик умомдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги фармони.
13. Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурати. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
14. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
15. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишини такомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.